

• Мухбиримиз бонг уради

КИМ НАФ КЎРДИ?

Бу саволга Каттакўрғон шахрида уюштирилган улгуржи савдо кўргазмаси иштирокчилари жавоб топишолмади

Мутасаддилар ушбу тадбирни ўтказишга анча вақт тайёргарлик кўришди. Унга шахар марказидаги Абдуҳамид Мажидий номи театр биносидан жой ажратилди. Савдо кўргазмасига келтирилган маҳсулотларни намойиш этиш учун эса барча шарт шарт яратилди. Чунки у Самарқанд вилоятида иккинчи марта ташкил этилаётган эди.

Шунданми, барча шахар ва туманлардаги кўзга кўринган корхоналар ўз маҳсулотларидан намуналар олиб келишди. Улар асосан техник маҳсулотларга жиҳозлар, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмол молларидан иборат эди.

Савдо кўргазмасини ўтказишдан мақсад вилоят корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларни намойиш этиш, рақобатга қодир молларни белгилаш ва уларни четга олиб чиқиш, бу билан тадбиркор ҳамда ишбилармонга ёрдам кўрсатишдир. Бироқ уни ташкил қилган «Самарқанд улгуржи шартнома» ҳиссадорлик жамияти ва республика товар-ҳомашё биржасининг Самарқанд филиали худди ана шу хайриликни унутиб қўйган кўринади. Ахир, бу савдо кўргазмасида вилоятдаги икки мингга кичик ва қўшма корхона, 2200 фермер ҳамда бир минг икки юз деҳқон хўжалиги вакилларининг оқалли беш фоизи қатнашиши мумкин эди-ку! Нега энди улар ўзлари учун фойдали бундай тадбирда иштирок этишмади? Ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиб, керакли нарсани шу ердан харид қилмадилар?

Аслида мазкур анжуманга савдо кўргазмаси, деб бежиз ном қўйилмаган. Бу фақат маҳсулотларнинг эмас, балки корхоналар қандай ишлаётганлигини-

ни ҳам «кўргазмаси» экан. Уни томоша қилиб, бунга яна бир қарра амин бўлди. Эҳтимол, кўпгина корхоналар фақат «юқоридан кўрсатма» бўлгани учунгина бундай тадбирда иштирок этишаётгандир? Чунки кўргазмада қатнашган ташкилотларнинг аксарияти на сифатли, на харидоргир мол олиб келишган. Қолаверса, келтирилган маҳсулотларнинг кўпчилигида унинг сифатидан далолат берувчи бирор-бир ҳужжат — сертификат гувоҳномаи йўқ эди. Масалан, Оқдарё консерва заводида тайёрланган шифобахш тут мураббоси ушбу корхона раҳбарларининг ана шундай эътиборсизлиги туфайли сотилмай қолди. Чунки қайси савдо ташкилотининг раҳбари бундай маъсулиятни ўз зиммасига олади?

Самарқанд пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг номи ўтган йили «Махси» деб ўзгартирилган эди. Лекин орадан анча вақт ўтган бўлса-да, улар бизнинг шароитда харидоргир ҳисобланган пойабзалнинг бу турини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмади. Ҳатто ана шундай катта корхона ҳам кўргазмага арзиғулик маҳсулот тақдим этолмади. Шунинг ўзиёқ бу фабрика ошборларида минглаб жуфт пойабзаллар нега тикилиб ётгани сабабини охираб турибди.

Оҳори тўқилиб, харидорлиги йўқолган кийим-ке-

чаклар, ёрликлар чала-чулла ёпиштирилган мева консервалари кўргазмани шунчаки тўлдириш учун қўйилганлигини кўриб, «эсиз шунча ташвиш», дейсиз. Баъзи корхоналар эса бу ерга номингагина келганини дарҳол пайқайсиз. Масалан, маҳсулоти қўшни мамлакатларда ҳам машҳур «8 март» тикувчилик бирлашмаси бирорта арзиғулик буюм келтиришни ўзига эп билмабди.

Ургут азалдан тадбиркор, ишбилармон кишилар юрти сифатида машҳур. У ердаги ҳунармандлар, кичик корхоналар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар кўп оқшига сазовор бўлган. Лекин ушбу тумандан савдо кўргазмасига фақат икки халта тамаки юборилганини билгач, «ҳазилиям бошлашди» деган хаёлга борасиз. «Шарқлифт» корхонасидагилар эса «бизнинг маҳсулотининг номи ўқиган харидор ўзи келаверади», деб ўйлашган чоғи, кўргазмага заводда тайёрланадиган нарсалар рўйхатини юборишди.

Албатта, бундай кўргазмадан ким наф кўрарди? Шунинг учун ҳам Каттакўрғон шахрида ўтказилган бу тадбирдан кўзланган асосий мақсадга эришилмади. Савдога қўйилган 479 миллион сўмлик маҳсулотнинг бор-йўғи 3,5 миллион сўмлик сотилди. Қолганлари бўйича ҳатто шартнома имзоланмади. Хуллас, пухта тайёргарлик кўрилмай, шовша-шовшарлик билан ташкил этилган бу тадбирдан ким наф кўрди-ю, ким зиён топди — буниси ҳамон муаммолигича қолмоқда.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Жарқўрғон туманидаги Т. Шабуров номи жамоа хўжалиги чорвадорлари 182 гектар майдонда ўстирилаётган беданинг ҳар гектаридан 160 центнердан кўк озуқа йиғиштириб олишяпти. СУРАТЛАРДА: механизаторлар Р. Маҳмудов ва А. Эшбобоевлар; беда ўрими.



• Фан — ишлаб чиқаришга

ОПИМЛАР ЁРДАМ БЕРИШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси ҳамда Наманган ҳокимининг биргаликда қабул қилган қарорига мувофиқ, Наманганда вилоят фан ва техника маркази ташкил этилди. Марказнинг мақсади илм-фан ютуқларини сановат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, хўжаликлар ва фермерлар ишига жорий этишни тезлаштиришдан иборат. Ишлаб чиқаришнинг янги турларини ривожлантириш, ишлаб турган корхоналарни самарали, кам чиқитди технологияга ўтказиш ҳам марказнинг вазифаларидан биридир.

Марказ ишини пул билан таъминлаш учун зарур маблағ улушбай асосда Давлат фан ва техника қўмитаси, вилоят бюджетини ва базавий ташкилотлар — Наманган сановат-технология институти ҳамда давлат университети томонидан ажратилади.

Марказга дастлабки буюртмачилар ҳам кела бошлади: Наманган туманидаги «Ижодкор» агрофирмаси оқ ҳўрирдан шакар ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди.

САПОМ, ФЕСТИВАЛ!

Андижон вилоятида анъанага айланиб қолган «Ўзбекистон — Ватаним меним» меҳнат ва санъат фестивали бошланди. Фестивал бу йил соҳибқирон Амир Темур туғилган куннинг яқинлашиб келаётган 660 йиллиги ва республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган.

Фестивалнинг «Ўз хонадонимизда» деб номланган биринчи босқичи ҳар бир шахар ва туманда меҳнат жамоалари ва ҳаваскорлар дасталари иштирокида икки ойдан кўпроқ давом этади. Мазкур тадбир халқ ижодиётида, таълим соҳасида, савдо ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришда, шахар ва қишлоқларни обод қилишда эришилган ютуқларнинг кўригига айланади.

Фестивал ўтган шанба кунини Андижон туманида бўлиб ўтди. Олтинқўл тумани меҳнаткашлари ва жамоатчилик вакиллари бу байрамга меҳмон бўлиб келишди. Улар қурилишларни, амалий санъат усталарининг энг яхши ишлари ҳамда туманда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари намойиш қилинаётган кўргазмани бориб кўрдилар. Спорт ўйинлари, халқ сайиллари бўлди. Фестивал қатнашчилари учун байрам концерти уюштирилди.

ЖИЗЗАХ ЧЎПИНИНГ БОШ АВТОБЕКАТИ

Йигирма йилларки, бу чўлда йигирмага яқин замонавий қишлоқ ва шахарчалар бунёд этилди. Шунча даврдан бунёд уларни бириктириб турган Зомин ва Зарбдор туманларининг чўл ҳудудиди йўللарида автобус қатнайди. Лекин уларни бошқариб, тартибга солиб турувчи бекат ҳанузгина йўқ эди.

Катта ўзбек йўлининг Жиззах — Янгиер шахарлари йўналишидаги Ульяново шахрида бултур янги автобекат ишга туширилиб, йўловчиларни мамнун қилганди. Яқинда эса Зарбдор тумани марказида барча қудайликларга эга шундай автобекат фойдаланишга топширилиб, чўлқуварларнинг узоғини яқин қила бошлади.

«Жиззахчўлқурилиш» худудий бирлашмаси қурувчилари бунёд этган автобекатдан ўн иккита йўналиш бўйича вилоятнинг турли ҳудудларига автобус қатнови йўлга қўйилди. Шунингдек, чўлда яшаб ишлаётганларнинг кўпчилиги Фарғона ва Зарафшон vodiёини халқи эканлиги инобатга олиниб, Фарғона, Хўжанд, Самарқанд шахарларига ҳам янги маршрутлар очилди.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for '30+' pills. Text: 'Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдорисидаркор!!!'. Includes image of a pill box and a couple.

• Карор ва ижро

«ФОТОН»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Тошкентдаги «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида замонавий «Сулекс 7004» касса аппаратлари ишлаб чиқарилаётти.

«Фотон» Ўзбекистондаги етакчи микроэлектроника корхонасидир. Илгари, Иттифоқ барбод бўлгунига қадар унинг маҳсулотлари ички бозор учун сир тутилар эди. Эндиликда аҳвол тубдан ўзгарди. Бирлашма ҳозир Ўзбекистондаги истеъмолчиларга ҳам ишлаб чиқариш учун, ҳам хўжалик-рўзгор учун мўлжалланган хилма-хил электрон техника буюмларини тақдир қила олади. Уларнинг барчаси илгор технология асосида тайёрланган бўлиб, юксак техник даражаси ва пухталлиги билан ажралиб туради. Бир қанча буюмини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида фақат Тошкент электрончилари ишлаб чиқариши диққатга сазовордир.

Ички бозор манфаатларини кўзла тутиб ҳамда ҳукуматнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, республикада ишлаб турган барча савдо корхоналарида, ҳисоб-китоб қилиш ташкилотларида яқин вақт ичида мажбурий тарзда касса аппаратларини ўрнатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, бу ерда қисқа вақт ичида ана шундай маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Касса аппаратлари ишлаб чиқариш билан жаҳонга машҳур бўлган Грециянинг халқаро «Вардинояннис» компаниялар бирлашмаси ҳамда Болгариянинг «Электроника» фирмаси билан биргаликда ана шунга эришилди.

Аппарат олдингиларидан бир қанча жиҳати билан устун туради. Бу жуда муқаммал ва юксак техник даражада бажарилган маълумотларни ишловчи электрон тизим бўлиб, уни ясаш чоғида ҳисоблаш техникасининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланилган. Шу сабабли, янги касса аппарати савдо корхоналари — магазинлар, кафелар, рестороанлар, меҳмонхоналар, валюта алмаштириш пунктлари ва бошқа савдо ҳамда ҳисоб-китоб хизматларининг ҳозирги эҳтиёжини тўла эмас, келгуси талабларини ҳам қондира олади.

Сотиш ва фойдаланиш ҳуқуқини берадиган давлат рўйхатига киритилган касса аппарати матнларни ўзбек, рус тилларида, яқин келажакда эса инглиз тилида ҳам ёза олади. Унинг электрон хотирасида 800 хил маҳсулот номи ва уларнинг нархлари сақланиб туради. Шу билан бирга, дастурга киритиладиган бешта солиқ миқдорини, объектда ҳар кун бажарилган барча операцияларга доир батафсил ва тўла ҳисоботчи ҳам эслаб қолади. Шунинг ҳам айтиш керакки, унинг хотирасидаги маълумотлар етти йилгача сақланади...

Бу — олдий касса аппарати эмас, ҳар қандай савдо раҳбари ва ҳисобчиси, тафтишчи ёки солиқ назоратчиси учун бебаҳо ҳазинадир. Харидор тўғрисида эса, гапирмаса ҳам бўлади, аппарат унга неча сўм ва тийин тўлаш зарурлигини аниқ кўрсатиб туради.

«Фотон» яқин бир-бир ярим йил ичида республиканинг бундай техникага эҳтиёжини тўла қондиришга қодир, — деди бирлашманинг бош директори В. Татеосов. — Апрель-май ойларида 350 та шундай аппарат ишлаб чиқардик, июнь ойида эса, 1000 та касса аппарати ясайим. Кейинчалик ҳар ойда 3,5 мингтагача аппарат ишлаб чиқаришни мўлжаллаётимиз, балки бундан ҳам кўпроқ ишлаб чиқарамиз — гап буюртмага боғлиқ.

(ЎЗА).

• Мухбир муаммо қўяди

ҚОРАҚАЛПОҚ БАЛИГИНИНГ ШУҲРАТИ ТИКЛАНДИМИ?

Орол денгизининг қуриши ушбу минтақадаги ҳайвонот ва наботот дунёсига ҳам ўзининг ҳалокатли таъсирини ўтказмоқда. Жумладан, қоқланган, дудланган, тузланган ва ҳоказо усулда қайта шиланган қорақалпоқ балиқларининг бир пайтлардаги шўҳрати қарийб сўнаётди.

Маҳсулоти ҳатто собиқ Иттифоқнинг турли бурнақларида ўта харидоргир ҳисобланган Мўйноқ консерва заводи ҳозир асосан Туркменистон ва Қозғистон Республикаларидан ташиб келтирилган ҳамомашё ҳисобига ишламоқда. Нафақат бакра, суан каби тансиқ балиқ турлари, балки ҳар қандамда учарайдиган лаққа, сазан, оқмарқалар ҳам бирин-кетин ноёб жониворлар рўйхатига киритилмоқда.

Маълумки, илгари Қорақалпоғистонда Орол денгизи, Аму-дарё ва 100 га яқин катта-кичик қўллар балиқ овланадиган манбалар сирасига кирарди. Дарё сувининг тортилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида сўнгги ўн йилликларда мазкур қўлларнинг деярли беш-

дан тўрт қисми ўз аҳамиятини йўқотди. Судучье, Қоратеран, Оқча каби қўлларга эса оқова ва захқаш сувларнинг оқизилиши туфайли бу ҳавзалардаги жониворлар қирилиб кетди. Ҳозир фақат Довуқул ва дарё оралигидаги санокчи қўлларининггина тозаллиги сақланиб қолган.

Айни пайтда Мўйноқ консерва заводида қайта ишлаш учун келтирилган балиқлар сифати ҳақида ҳам ижобий фикр билдириш қийин. Сабаби — улар асосан Туркменистондаги Сарикамиш, Қозғистондаги Балхаш қўлларига овланади. Бу ҳавзаларнинг ифлосланиш даражаси қай аҳволда эканлиги эса кўпчиликка маълум. Табиий савол туғилди: ушбу муаммо билан қишлоқдан ташкилотлар бормикми?

Тўғри, сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда экология билан боғлиқ қатор қонунлар қабул қилинди, табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси, маҳсул қўмита ва инспекциялар, санитария хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Шунга қарамастан, шу кунга қадар ички қўлларнинг муҳофазаси, улардаги мавжуд аҳволни соғломлаштириш юзасидан арзиғулик самарага эришилган эмас. Вазият эса борган сайин оғирлашиб бормоқда. Балким, бу масала юзасидан маҳсул дастур қабул қилиниши керакдир?

Ҳозирча Қорақалпоғистон бозорларида «плонбош», «дунпешона» каби «келгинди» балиқ навларини кўпроқ учратасиз. Ота-боболаримиз эътирозлар келган «суан» балигининг унсиз зори, эҳтимол, ифлос сув пардаси орқасидан ҳеч кимга эшитилмаётгандир!?

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЯНГИ ҲАЁТ» ЯНГИПАНИШ ЙУПИДА

Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон туманига қарашли Шўрсуз худудиди фаолият кўрсатаётган «Янги Ҳаёт» кичик корхонасининг ташкил этилганга эътиборини бер йил тўғрисида. Амма корхона жамомаси ўтган давр мобайнида кўпга ютуқларни кўзга кичитиб, эл орасида анча-мунча обрў-эътибор қозонишга муваффақ бўлди.

Хусусан, дастлабки вақтларда корхонада бор-йўғи тўрт нафар киши меҳнат қилган бўлса, эндиликда уларнинг сони 30 кишидан ошиб кетди. Фойда олиш режасини эса 120 фоизга етказиб бажаришга эришилган. Янги, бошқича қилиб айтганда, ўтган йили завод жамомаси 110 минг сўм соф фойда олганди. Кўрилган фойда эътибор эса кам даромадли оилаларга, бokuвчинсини йўқотган кишиларга ёрдам пуллари ажратилди, шунингдек, тумандаги Муқимий номи ўрта мактаб ўқувчилари учун юз дана болалар кўйлагини харид қилинди ва уларга ҳадя этилди.

Аслида полиэтилен маҳсулотларидан юқори сифатли қоп ишлаб чиқаришга мослаштирилган мазкур корхона раҳбарлари яна бир савоб ишга қўл уришмоқда. Улар Ирқутек вилоятидаги «Ангор» ҳамда Уфа шахридаги «Алиса» фирмалари билан узаро алоқаларни кенгайтириш ҳисобига заводда янги иш ўринларини очинишга ҳаракат қилишмоқда. Агар ушбу ниятлар ҳам амалга ошса, корхонада йил охиригача яна 20 нафар киши қўшимча фойдали меҳнат билан таъминланади.

Ўқтам ДҮСТЕР, «Халқ сўзи» мухбири.

УДДАБУРОН

Абдурайим Ражабов «Оптика» магазинини хусусийлаштириб олган эди. Энди унинг ёнида кундулик эҳтиёж моллари билан савдо қилувчи дўкон ҳам ташкил қилинди. Дўконда одамлар ўзларига керак бўлмайдиган ашёларни топшириб, эъзизига бошқа нарса ҳам харид қилишлари мумкин. «Ражаб Сафо» деб аталган бу савдо мажмуи ҳар кун одамлар билан гавжум. Бу ерда керакли барча нарсани топиш мумкин.

Жўра ЮСУПОВ, Касби тумани.

Қўлимизда ҳужжатни ўқиймиз: «Механизациялашган гвардиячи армия газетасининг ахборот бўлими бошлиғи, майор Воғиз Музаффаровнинг аттестацияси. Туғилган йили — 1914 йил. Армия хизматини уруш даврида, 1941 йилнинг июлидан бошлаган. Армия газетаси редакциясида ишлаб бораётган дастлабки кунларда...

— Қандай қилиб ҳарбий журналист бўлгансиз? — дея мурожаат қилдик Воғиз акага.

— 1943 йилнинг охирида мени Москвага — армиянинг бош сийсий бошқармасига қақаришди. У ерда таникли каламкаш Тўлқин Рустамовни кўриб қолдим.

— Э, мулла Воғиз қаерларда юрибсиз, — деди у мени маҳкам қучоқларкан. — Сизни кидирмаган жойимиз қўришди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан ҳамма фронтларда ўзбек тилида газеталар чиқарилиши...

Бир ҳафтага олдинги марралардаги қисмларга бориб келиш учун хизмат сафарига чиқдим. Ҳақиқий жангин кўришим керак эди. У кунларда каттик жанглар Герод шакри учун кетаётган эди. Сафардан қайт қатта таассуротлар билан жўнган ва «Тафовут ер билан осмонда» сарлавхали каттагина мақола ёздим.

— Сиз ҳозир ёзватган мақолаларингизда кўпинча Ўзбекистоннинг галабага қўшган ҳиссасини алоҳида ургу беришга интилоқдасиз. Бунинг боиси нимада?

— Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабага Ўзбекистон қўшган ҳақ улкан уллуҳ ҳақида тўлақонли, илимий асосланган маълумотлар кам. Ваҳоланки,

ларнинг жасорати ва қаҳрамонлиги бошиқларнинг муносиб баҳосини ола бошлиди. Йигитларимиз кўксини жанговар орден медаллар бегади, уларнинг энг зўрларига қаҳрамонлик унвонлари берилди.

Воғиз Музаффаров 1932 йилдан буйн Ўзбекистон матбуотида хизмат қилади. У юртимизнинг мумтоз шоирлари, ёзувчилари, олимлари, санъаткорлари, журналистлари билан шахсан мулоқотда бўлганликларини фахрланиб аслайди. Фафур Гулом, Мақсуд Шаҳзода, Абдулла Қаҳҳор, Иzzат Султон каби устозлардан

даги мазмунда жавоб келди: «Қадрдон Воғиз! Мен мактубингизни олдим. Ўзтибор ва хурматингиз учун, менга атаб айтган самимий сўзларингиз учун раҳмат. В. Г. Белинскийнинг Берлинда чоп этилган китобларини ҳам олдим. Улар менинг кутубхонамда шарафли ўринни эгалладилар. Бу соғва учун Сизга жуда катта раҳмат. Китоблар менинг жону дилим. Ахир, мен ўлардан илҳом, билим оламан. Уларда менинг қувончим. Шу боис сиз жуданатан китобларни ўқидим ва жуда лаззатландим...»

Сизга полновалардек соғ-саломат бўлишини, журналистик фаолиятингизда катта муваффақиятлар, ҳаётда кўпдан-кўп қувонч ва икбол тиламан.

Сизни бағримга босиб ўпаман.

— Шароф Рашидовнинг менга нисбатан илтифоти ва меҳрибонлигига ҳозир ҳам ҳайрон бўламан. — дейди тўлқинлини Воғиз ака. — Давлат ишлари бошидан ошито-тошиб ётган бир аллозда вақт топиб менга хат ё телеграмма ёза олишга, Фарғонага келганида Адхам Хамдамовдан мени йўқлашга, розг гат, ўнғайсизланган вақтларим кўп бўлган.

— Ҳозир халқимизга ўзининг асл фарзандларини кўрсатиб беришимиз керак, — дейди у мажлисларда. — Урушда жасорат кўрсатган ва уруш тугаши билан меҳнатга отланган, фидокорликнинг нима эканлигини амалда исботлаб, ёшларга ибрат бўлиб келадиган ватанпарварларимиз ҳақида ҳормай-толмай ёзишимиз керак.

Воғиз ака ёзаяпти. Ишончимиз комилки, устоз каламкашнинг мақолалари, лавҳалари, очеркларини бундан буйн ҳам мароқ билан ўқийверамиз.

Абдуназар ХУДОЙНАЗАРОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти ташкилоти раиси.

ЖАНГГОҲЛАРГА ҚАЛАМ БИЛАН КИРГАН ЖАНГЧИ

киланмасдан айтаманки, Сталинградда ва бошқа фронтларда вазиятни тубдан ўзгартириб юборган эди. У, қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, оддий аскарлар ва генералларнинг кўнгилни тоғдек кўтарди, галабага илҳомлантирди, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Чунки бу хатни урушнинг гоят оғир юкини букилмас елкасига олган, минг-минглаб бечораларни ўз фарзандларидек бағрига босиб ардоқлаган, фронтчиларга озиқ-овқат, мева, иссиқ кийим, пойабзал, курол-яроғ, ўқ-дори юбориб турган азамат халқ ёзганди. Бу мактубни мен ҳам уруш охиридаги ёнимда муқаддас тумордай сақлаб юрганман. Ҳамма фронтларда ўшин телигидай тарқалган хат ўзбек халқининг, ўзбек жангчиларининг обрусини, мартабасини бекёкс кўтарди, десак муболага бўлмайди. Ушандан кейингина душман билан шерқандай олишаётган ўзбекистонлик-

республикалар раҳбарларига самимий ташақкур ихор эътибор. 1-Болтикбўйи кўмондони, армия генерали И. Баграмян ўзбек тилида чика бошлаган газета хондимиларини қабул қилиб, жумладан, шундай деган эди: «Ўзбекистон раҳбарларининг бу муҳим тадбирдан фронт кўмондонлигини гоят мамнун. Мен газетанинг биринчи сонларини кўриб бизга катта мадад кўрсатилганини, ёрдан кўли чўзилганини сездим. Салгина шарҳона кайфиятда айтадиган бўлсам, қўшинларимизга янги дивизиляр келиб қўшилгандай туюлди менга».

Ҳақиқатан ҳам республикамизнинг таникли ёзувчилари ва журналистлари кучи билан барча фронтларда чиқарилган газеталаримиз кўшинлар ҳаётида бениҳоя катта сийсий, маънавий роля ўйнаганлар...

Табиятан ҳушқак Воғиз ака айрим пайтларда маъвоқ кўринади, юзида ўзига ярашмаган туюлган сабоқлари билан фахрланади.

Воғиз аканинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан Фарғона вилоят ҳокими Мирзажон Исломов ўз номидан тошрирган табриқномада шундай сатрларни ўқиймиз: «Сиз — табаруқ инсонсиз. Ўзбекистон тарихида ибратли из қолдирган Шароф Рашидовдек улғу кишининг ҳам Сизга эътибори кучли бўлганини ахши аслаймиз».

Бу сўзларни ширхаш учун ўған кунларга мурожаат қилишга тўри келади. 1974 йилда Воғиз Музаффаров Шароф Рашидовга Германиядан олиб келган нодир китоблардан олти жилдини ҳада қилади. Аммо шахсан кўлига эмас, балки ёрдамчисига. Ордан анча вақт ўтган, ҳеч қандай жавоб бўлмагандан ташвишланган, анги китоблар йўқлиб кетмадимкин, деб ҳавотирланган Воғиз ака Шароф Рашидовичга хат йўллади. Бир ҳафтада қуйи-

Теннис КАРВОН СЎНГГИ МАНЗИЛГА ЕТДИ

Юртимизда иккинчи марта ўтказилган теннис бўйича «Буюк ишак йўли» сателлит мусобақасининг финал босқичи, яъни «Мастерс» швейцариялик Валентин Фриденнинг ажойиб галабаси билан якунланди. Фриден турнир олдидан «Менинг катта теннис сари қадамим Тошкентдан бошланади», — деб бу зафарини олдидан башорат қилган эди.


«БИИ-95» сателлит турнирининг дастлабки икки босқичидан сўнг Фриден эришган натижаларни кўриб, унинг галабага бўлган ишончи ҳақидаги сўзларини деярли унутган эдик. Швейцария теннисчиси Фарғонада ҳам ўзининг нималарга қодирлигини деярли кўрсатмади. Лекин ҳал қилувчи финал босқичида у ўзининг юртимиз тупроғига илк бор қадам босган чоғидаги сўзларини исботлади. Валентин дастлаб ҳамоуртимиз Антон Ивановдан устун (6:1, 6:2) келди. Кейин эса россиялик Игорь Челишевни 6:4, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ярим финалда у турнирнинг биринчи

голиби бўлди. Жуфтликлар баҳсида австриялик Степан Лайнер билан бирга ўйнаган ҳамоуртимиз Олег Огородов финалда Белгравер — Харел жуфтлигини мағлубиятга (6:3, 0:6, 6:2) учратти.

Ушбу сателлит турнирдан сўнг ҳамоуртимиз Олег Огородов ўзининг рейтинг очколарини яна 59 тага бойитишга муваффақ бўлди. Бу «БИИ-95» қатнашчилари орасидаги энг катта кўрсаткичдир. Иккинчи ҳамоуртимиз Дмитрий Томашевич эса сателлит турнирдан 33 рейтинг очкоси олишга муваффақ бўлди. Бу очколар уни профессионал теннисчилар рўйхатида сезиларли даражада юқорига кўтарди. Шу кунларда Олег Огородов Германияда, Дмитрий Томашевич, Темура Ганиев, Вадим Куценко ва Темура Хонжўаев Туркияда ўтказилаётган халқаро теннис мусобақаларида қатнашаёпти.

Сателлит турнирнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Президент кубоги» ва «БИИ-95» сателлит турнирларини ўтказиш бўйича ташкилий кўмити раиси И. Журабқов қатнашди ва голибларга совринларни топширди.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Т. ХАМРОҚУЛ олган сурат.

Ўзбекистон бозорларининг энг йирик таъминотчиларидан Abdullah group of companies Абдулла компанияси гуруҳи. Савдога таклиф қилади: Пойафзаллар - эркаклар кўйлаклари - газмоллар. Молларни улғуржи харид қилиш учун буюртмалар қабул қилишмоқда. Манзилгоҳимиз: Тошкент, Глинка кўчаси, 11-уй. Телефонлар: 54-87-47, 54-87-88. Факс: 54-89-53.

"ЭМАЛЬ" акционерлик уюшмаси корхона ва ташкилотларга юқори сифатли ранго-ранг эмаль бўёқларни чекаланмаган миқдорда тавсия этади. Бундай маҳсулотни фақат биздан олиш мумкин. "Эмаль" акционерлик уюшмасининг манзили: 700015. Тошкент, 3-тор кўча Фарғона йўли, 73. Маълумот учун телефонлар: 91-56-20, 34-31-19. Биз сизни кутамиз!

Урганг иссиқлик корхонаси хлорид кислотаси солиш ва сақлаш учун ҳажми 60 тонна бўлган идишни сотиб олиш истagini билдиради. Телефонлар: 5-52-85, 5-60-46. Телетайп: 285109 "ТЕПАО" Манзил: 740014, Урганг иш., Досов кўчаси, 117.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ИШБИПАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!!! Фирма йилига 4200 тонна шакар ишлаб чиқарадиган мини заводни, чигитдан, зиғирдан ҳамда кунгабоқардан салат ёғи ишлаб чиқарадиган контейнерларга жойлаштирилган мини ёғ заводи комплекси; қуввати: * соатига 72 килограмм чигит ёғи, 95 килограмм зиғир ёғи, 125 килограмм кунгабоқар ёғи; * соатига 500 килограммдан 1000 килограммгача сабзавотлар ёғи меваларни қайта ишлаб сок, пюре ва джем ишлаб чиқарувчи ҳамда шиша банкаларга жойлаб қопқоқловчи МИНИ КОНСЕРВА ЗАВОДИНИ; * соатига 2000 килограмм помидорни қайта ишлаб, ундан 500 килограмм томат пастаси ишлаб чиқарувчи ҳамда контейнерга жойлаштирилган МИНИ ТОМАТ ПАСТАСИ ЗАВОДИНИ; * бир иш сменасида 500 килограммдан 1000 килограммгача ундан ноибулка маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи МИНИ НОВВОЙХОНАЛАРНИ; * соатига 400 килограмм сутни қайта ишлаб, ундан 40 килограмм сут порошок ишлаб чиқарувчи МИНИ СУТ ЗАВОДИНИ; * 1 сменада 1000 литр сутни қайта ишлаб чиқарувчи қувватта эга бўлган МИНИ СПИРТ ЗАВОДИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. АРСОН БАҲОЛАР. СИГАМ ҲАМДА МЕСКОРНИККА ҚАРОЛАМ БЕРАМИЗИ!!! Барча технологик линиялар Франция ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган! Унутманг: кичик ва ўрта ҳажмдаги корхоналар энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўтиш даврида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган! Мурожаат учун телефонлар: (3712) 36-28-43 (соат 9.00 дан 19.00 гача) (3712) 64-84-45 (соат 19.00 дан 21.00 гача), Факс: (3712) 36-28-43 (24 соат давомида).

"ТУРОН" ОСИЕ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ 70 фойзи АКШДАГИ конвейердан! "Konica U-VIX" иусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади. Кафолат - бир йил. Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги иусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади. Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз. Телефон: (3712) 44-59-55. Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

ЭФИР-КАБЕЛЬ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ Kamalak - TV 8 та энг яхши ТВ каналлари — доимо Сизнинг қўйишгизда 1.Pr. Sport - спорт. 2."Останкино" ТВ. 3.ТВ-6 Москва. 4.Россия ТВ. 5. [V]-музыкали. 6.BBC - янгиликлар. 7.Star Plus - кўнгилочар. 8.Cine Plus - фильмлар. Кичик дастур — 1, 2, 3, 4, 5. Катта дастур — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8. Ҳақ тўлаш — хоҳишига қараб, шунингдек VISA кредит картчаси билан. Бизнинг манзиллар: "Главпочтамт" ва "Янги телемикро". Тел.: 35-22-32, 44-20-28, 44-29-90, факс: 34-01-11.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий тарихи Наманган шаҳар ИИБ жинот қидирув бўлини-маси тезкор вакили, милиция катта лейтенанти МУХТОРЖОН МУРОДОВНИНГ хизмат вазифини баҳарчи вақтида халқ бўлганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чукур ҳамдардлик ихор этади. Тошкентдаги 3-автомобилват жамоаси корхона директори Жўра ХОЖИБЕКОВНИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чукур таъзия ихор қилади. «Наврўз» наشريети жамоаси наشريёт директори, ёзувчи Тўлқин ЭШБЕКОВА отаси Усмон ЭШБЕКОВНИНГ вафоти муносабати билан чукур таъзия ихор этади.

Саид Аҳмад — 75 ёшда

УФҚЛАРНИНГ ЧИН ОШИҒИ

Ушбу туркумдаги ҳажвияларнинг дастлабкилари бундан йилгирма беш йил аввал ёзилган бўлиб, Саид Аҳмаднинг эллик йиллиги муносабати билан чоп этилган эди. Сўзроқ бу туркум олимши, етмиш йиллик саналарда янгилашиб, тўлиб борди.

Ушбу ҳажвия шу туркумнинг давоми бўлиб, устознинг етмиш беш йиллиги муносабати билан Бухоро, Қашқадарь ва сўлим Фарғона водийсига қилingan сафар таассуротлари асосида ёзилди.

ГУЛЛАРНИНГ ҲОЛИГА КАРА

Устознинг бу галги юбилей сафари парлар макони Бухоро шарифини зиёрат қилишдан бошланди. Бунда ҳам рамзий бир маъно бордек эди. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд макбарасида қуръон тиловат қилиниб, Оллоҳ таолодан тирилик, хотир-жамлик ва кўшайишу кор тиланди.

Эртасига Бухоро университетида таънавали учрашув бўлди.

Талабалар «Туй бола» ва унинг ҳамроҳларини узоқ олқишди. Учрашувдан сўнг ректор қабулида бир пиёла чай берилди. Ҳали учрашувда навбат тегмаган адабиётшунослардан бири узундан-узоқ қадаҳ сўзи айта бошлади:

— Сизлар, муҳтарам Саид Аҳмад ака, Олид ака! Бамисоли адабиётимизнинг гуллари-сизлар. Ҳамиша барқ уриб яшнаб турасизлар. Адабиётимизнинг сиз каби йирик гуллари...

Саид Аҳмад ака чарчоқданми, толиқишданми, эснаб утирган Олид ака билан кўз уриштириб оларкан:

— Бай-бай, бу гулларнинг аҳволига қаранг, — деди кулиб. — Тезроқ уларга чойми, сувми куйиш керак. Акс ҳолда, сулиб қолади. Ахир бу гуллар Сиз ўйлаган «Совластия»нинг гуллари эмас-да, биродар...

Нотик сўзини қисқа қилди.

«КЎШМА КОРХОНА»

Пойханда қорақўлиқлар устозни алоҳида эҳтиром билан кутиб олишди. Ҳаваскорлар ажрасиди «Келинлар кўзғолони»дан парчалар кўрсатилди. Энг охирида фарангча оқ фатада эмас, бухороча зар урилган кимхоб тўн ва нимчалар кийишдан, ҳарир парда тутган бир жуфт келин-куёв оҳишта юриб келиб устозга таъзим қилишди.

— Қани, Саид Аҳмад ака, ёшунда сифатида шу келин-куёвларга бир дуо беринг! — Бугун биз бири-бирига икки «Кўшма корхона» очяптимиз, — деди устоз. — Ҳали бу ерда айтимиз, Қорақўл ҳадис илмининг буюк алломаси Имом ал-Бухорийнинг отаси туғилган жой экан. Ана шундай табаррук жойда, қани, ҳаммамиз дуога кўл очайлик, дуо биздан, нажот Оллоҳдан, мадал пирлардан, ҳаракат Сиз келин-куёвлардан. Худоё худовандо бу «кўшма корхона»нинг мақсулоти муваққил юртимизга мос бўлсин, унинг долруғини дошимизда ота-бобларимиздек бутун жаҳонга таратсин... Омин... Оллоҳу акбар!

Шу ерда утирганлардан

кимдир кўшимча қилди: — «Кўшма корхона»нинг дастлабки мақсулотини бир йилдан сўнг Саид Аҳмад ва Саидхон номи билан атасак, шунга нима дейсизлар?..

Ҳамма дуога кўл очди. Омин!

САНИТАРЛАР

Қашқадарьда бўлган адабий

УСТОЗ ЁНИДА

(Ҳужжатли ҳажвиялар)

кечада яна бир олим энсани қотирар даражада маъруза қилди. Очиги, Саид Аҳмад ака оддий китобхонларга ҳам аввалдан аён бўлган бу хил мақтовлардан тўйиб кетган эди. Адабиётшунос чайналиб, ҳамон сўзида давом этарди:

— Бизнингча, бу ерда бир ҳақиқатни айтишга тўғри келади, хурматли довлалар... Ҳаётда бўрилар табиатнинг санитарлари бўлганидек, танқидчилар ҳам адабиётимиз санитарларидир...

Саид Аҳмад ака ёнидаги микрофони ўзига қаратиб деди:

— Тўғри, бўрилар табиатда жонзодларнинг энг ношудини тўтиб еса, танқидчилар социалистик реализм аж олган кезларда ёзувчиларнинг энг зўрларини ноубд қиларди...

ТИРИК ҲАЙКАЛ

Фарғона университетидеги учрашувдан сўнг Ёзёвон сари йўл олди. «Уфқ» романида тасвирланган ўша тўқайзорлар ўрни бутун аjoyиб бог-роғларга айланган. Устоз ўша йиллар хотираси билан чуқур ўйга толган. Фарғонанинг жанангдор «қаҳ-қачонси», атоқли ёзувчи, аjoyиб инсон Йўлдош Сулаймон сўз олиб қолди.

— Мен, — деди ҳаяжонланиб, — қўлдан, ҳақиқий талантиларнинг қўлиман... Азиз ёзёвонликлар... менга қолса, Сизларнинг Ёзёвон деб аталган туманингизни элга тағитган унинг аjoyиб кишиларини қаҳрамон даражасига кўтарган Саид Аҳмад акага худди ана шу ерда бронза ҳайкал ўрнатган бўлардим...

Энг охирида Саид Аҳмад ака сўз олиб, гапни шу тақлифга бурди:

— Раҳмат, азизлар, ҳали бу ерда Йўлдошнинг менга Ёзёвонда бронза ҳайкал ўрнатиш ҳақидаги тақлифини қувватлаб гапиришди. Нима қиласизлар овера бўлиб, хошки бронза арзон бўлса? Энди овера бўлиб менга ҳайкал йўниб утирманлар... Яхшиси, ўша ҳайкалнинг супасини қўриниб, ўзим тик туриб бераман, хоҳанг қўлини ана бундай қўйиб турман... хоҳанг, ана бундай мўйловимни буриб турман...

ЯНА БИР САВОЛ

Анджондаги сафаримизда устознинг бизга ҳам қадрдон бўлиб қолган ошналари Ганижон ота, Маҳмуджон ота, Нуъмон ота, Махсум ота ва яна раҳматли Саида опанинг қариндош-уруелари югуриб-елиб хизмат қилишди.

Охунбобоев номидаги театрда машҳур режиссёр Жавлон Тошхўжаев саҳналаштирган «Саид Аҳмад — Анджон кўёви» томошаси йиғилганларда айниқад катта таассурот қолдирди. Йиғилиш сўнггида Саид Аҳмад ака залдан тушган саволларга жавоб бера

қараб олай... Яхшиси, қарамайман... Ўзи эсимга тушиб қолади... Ҳа, нимайди-я... Хотирамга келмапти... Чорт бери хотира...

Саид Аҳмад ака мен томон қараб олиб: — Ниғмат, шунда сен нима деган бўлардинг?

— Шунда мен «Хотира раҳматлидан хотира қолибди» дердим.

Хусниддин ака қувониб қийқирди: — Ҳа, топдим. Бобораҳим Машраб...

УЧ КАРРА ФАҲРИЙ

Катта Фарғона канали, Ёзёвон чўллари ободлаштиришнинг бадиий тарихини яратишдаги хизматлари учун университет илмий кенгаши устоз ёзувчи Саид Аҳмад фаҳрий профессорлик унвонини берди.

Ёзёвон тумани, Наманган шаҳар ҳокимликлари атоқли ёзувчини фаҳрий фўқароликка қабул қилдилар.

Косонсойда бўлганимизда кимдир у кишини фаҳрий кўёвликка қабул қилиш ниятини айтди.

Ўша заҳоти устоз сўз олиб: — Фаҳрий кўёвликка қабул қилишларига ажабланмас ҳам бўлади, — деди. — Чунки, «фаҳрий профессор» бўлганим билан талабаларга бирор соат лекция ўқимайман, ойлик олмамайман, «Фаҳрий фўқароликка қабул қилган бўлсанлар-да, на Ёзёвонда, на Наманганда яшайман. Ҳатто бирорта кўлбам ҳам йўқ. Энди «Фаҳрий кўёв»лик масаласига келсак, буюм ўшандай гап. Номинатига кўёв бўлиб қолам... Ахир қачон амалий ишга ўтамиз? Бунақда умримнинг охиригача фаҳрий бўлиб қолвераманми? Шу ниятни айтмасларинг ҳам анчалдан бўён фаҳрийман-ку...

Саид Аҳмад ака лўмбиллаган, оқ рўмоли, ҳазилкаш жувоннинг таъзимига жавобан секкин шивирлайди:

— Вай-вас, уйлантим киб кетяпти.

Отанин шоир Ҳабиб Садулла:

— Бемалол уйлантириб қўйишимиз мўмкин, ана ЗАГС мудириси ҳам шу ерда, — деди жиддий.

Саид Аҳмад ака:

— Бири-ўла ЗАГСга мулла ҳам айтиш эслан чиқмасин, — деди илтимос қилиб.

— Нега?

— Никоҳнинг эртасига жазо нани ҳам кўшиб ўқишга! Ҳамма кўлди. Кимдир «Худо сакласин!» деди.

Шунда сен нима дердинг?

Намангандаги сафаримизга атоқли шоир, камтарин инсон Хусниддин Шарипов ҳам ҳамроҳлик қилдилар. Гул байрамидан кейинги бир зиёфатда у киши сўз олиб:

— Ҳа, бир нарса, — дедилар жушиб, сўнг кўрсатғич бармоқларини чеккаларига нуқдлар. — Ҳа, нимайди ўзи?... Ҳозир... шпарталкамга

— Ниғмат, шунда сен нима деган бўлардинг?

— Шунда мен «Хотира раҳматлидан хотира қолибди» дердим.

Хусниддин ака қувониб қийқирди: — Ҳа, топдим. Бобораҳим Машраб...

УЧ КАРРА ФАҲРИЙ

Катта Фарғона канали, Ёзёвон чўллари ободлаштиришнинг бадиий тарихини яратишдаги хизматлари учун университет илмий кенгаши устоз ёзувчи Саид Аҳмад фаҳрий профессорлик унвонини берди.

Ёзёвон тумани, Наманган шаҳар ҳокимликлари атоқли ёзувчини фаҳрий фўқароликка қабул қилдилар.

Косонсойда бўлганимизда кимдир у кишини фаҳрий кўёвликка қабул қилиш ниятини айтди.

Ўша заҳоти устоз сўз олиб: — Фаҳрий кўёвликка қабул қилишларига ажабланмас ҳам бўлади, — деди. — Чунки, «фаҳрий профессор» бўлганим билан талабаларга бирор соат лекция ўқимайман, ойлик олмамайман, «Фаҳрий фўқароликка қабул қилган бўлсанлар-да, на Ёзёвонда, на Наманганда яшайман. Ҳатто бирорта кўлбам ҳам йўқ. Энди «Фаҳрий кўёв»лик масаласига келсак, буюм ўшандай гап. Номинатига кўёв бўлиб қолам... Ахир қачон амалий ишга ўтамиз? Бунақда умримнинг охиригача фаҳрий бўлиб қолвераманми? Шу ниятни айтмасларинг ҳам анчалдан бўён фаҳрийман-ку...

Саид Аҳмад ака лўмбиллаган, оқ рўмоли, ҳазилкаш жувоннинг таъзимига жавобан секкин шивирлайди:

— Вай-вас, уйлантим киб кетяпти.

Отанин шоир Ҳабиб Садулла:

— Бемалол уйлантириб қўйишимиз мўмкин, ана ЗАГС мудириси ҳам шу ерда, — деди жиддий.

Саид Аҳмад ака:

— Бири-ўла ЗАГСга мулла ҳам айтиш эслан чиқмасин, — деди илтимос қилиб.

— Нега?

— Никоҳнинг эртасига жазо нани ҳам кўшиб ўқишга! Ҳамма кўлди. Кимдир «Худо сакласин!» деди.

Шунда сен нима дердинг?

Намангандаги сафаримизга атоқли шоир, камтарин инсон Хусниддин Шарипов ҳам ҳамроҳлик қилдилар. Гул байрамидан кейинги бир зиёфатда у киши сўз олиб:

— Ҳа, бир нарса, — дедилар жушиб, сўнг кўрсатғич бармоқларини чеккаларига нуқдлар. — Ҳа, нимайди ўзи?... Ҳозир... шпарталкамга

— Ниғмат, шунда сен нима деган бўлардинг?

— Шунда мен «Хотира раҳматлидан хотира қолибди» дердим.


Хусниддин ака қувониб қийқирди: — Ҳа, топдим. Бобораҳим Машраб...

УЧ КАРРА ФАҲРИЙ

Катта Фарғона канали, Ёзёвон чўллари ободлаштиришнинг бадиий тарихини яратишдаги хизматлари учун университет илмий кенгаши устоз ёзувчи Саид Аҳмад фаҳрий профессорлик унвонини берди.

Саида ЗУННУОВА (Саид Аҳмадга)

Не қилай, дунёнинг ташвишлари кўп,
Не қилай, барига етмайди вақтим.
Кўйгин гиналарни, дея қолгин хўп,
Ёлғиз ўзингсан-ку шодлигим, бахтим.
Эркалаб қузатиб, эркалаб кутиб,
Нозу тавозе-ла чой тутиб қўлда —
Яшашга фурсат йўқ, аммо столда,
Қарагин, ярақлаб турибди кулдон.
Чекма деёлмайман, етмайди кучинг
Ва лекин ҳаёлан уни ўчириб,
Хонангни тутундан поклаш дардида
Уйғоқ ўтираман сендан нарида.
Хатинг бор ҳар қоғоз бисотим менинг,
Беғараз кўнглини кафтда тутгандай
Ортмоқлаб ўтганман бўрондан уни.
Йиллар бу дардларни энди ютгандай.
Ҳа, йиллар ўтмоқда қайрилмасдан ҳеч,
Мен эса йўқолган шодликлар изин —
Ахтариш, қайтариш дарди-ла нотинч,
Узайтмоқ бўламан умр тизгинин.
Ўйлар оташида бўлиб жизганак,
Туиларни тонгларга киприк бамисол —
Ҳар хил мақом билан улайди юрак.
Ўйлар гирдобида мен хаста, беҳол,
Аммо илғаб олар қулоғим аниқ:
Машиканг чиқиллар, бедорсан сен ҳам.
Эшик тирқишидан бир чизик ёниб,
Офтоб бўлиб кириб ёритар хонам.
Машиканг чиқиллар, тўхтайдил баъзан:
Биламан, чекяпсан, чекяпсан улаб.
Кошки очиб қўйса деб деразани,
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хуноб.
Хонангни тутундан поклаш дардида
Бедор ўтираман сендан нарида.



ҚУВОНЧЛИСИ ШУНДАКИ...

Ҳамза номли Академик драма театри жамоаси Буюк Галабининг 50 йиллиги ва сеvimли адиб Саид Аҳмаднинг 75 йиллигига бағишлаб «Уфқ» асарини саҳналаштирди. Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Тўти Юнусов, актёр Тоҳир Саидовлар ижро этмоқдалар. Мазкур асар деярли бир ойдан орттиқроқ вақт мобайнида муваффақиятли намойиш қилиб келинаёпти. Қувончлиси шундаки, «Уфқ» спектакли Галабага бағишлаб вилоят театрларида саҳналаштирилган асарлар ичида биринчи ўринни олди.

• Эҳтиром

ПРОФЕССОР ВА «НАЗАРИПАСТ» ШОГИРД ҲАНГОМАСИ

Устоз Саид Аҳмад ҳақидаги ушбу муҳасаргина сўзимда мен у кишининг адабиётимизга қўшган ва қўшаётган ҳиссаси, нақадар машҳур драматургию романнавислиги, дилкаш, қувноқ инсонлиги, қулғу ёшга етиб ҳам топқирлиғи ҳозиржавоблик бобида бизга ўхшаганларни «биру нўлга қариб» кетиши, катта-кичик шогирдларига меҳрибонлиги, камина ҳам шу меҳрдан бебаҳра эмаслигим ва бошқа фазилатлари хусусида айтиб ўтирмайман — булар бари элга дoston.

(Сезиб турибман, бу гапларнинг ўқиб устоз: «Ҳа, нодон бола-я, ана шуларидан гапирмайсанми!» дейиши тайин.) Шунинг учун гапни қўймай, устознинг «ижодий нозию ўзимнинг «ба-шораттўғи»лигимга оид биргина хангома билан чеклансам. Чунки, қолгани ўткир акамдан ортмайди...

Алқисса, бултур худди мана шу кезлар — «Тафаккур» журналининг дастлабки сонини тайёрлаш ташвишлари юрган қуларим эди. Бирор нима ёзиб беришларини сўраб «домла Дўрмоний»га (бизга ўхшаш шаккоқроқ укалари орасида шунақа дақаблари ҳам бор устознинг) қўнғироқ қилдим.

— Болам, шу ишни бошқа бирортасига топшира қолсанг-чи, олим-полимгами... — дея дарров «ижодий нозини» бошлади у киши. — Журналнинг номидан қўрқали-я одам — «Тафаккур!» Манда бундай бир илмий унвон-пунвон

йўқ, ниманиям ёзардим? Ёлғон-ишқини тўқиб ўзини овутиб юрган прастой бир ёзувчи бўлсам...

Бунақа пайтда мажбуриятдан қутулиш учун ўзларини хорро хасликка уришни ҳам қотирадилар! — «Уфқ» дай катта-катта китобларни ёзиб қўйган одамга уч-тўрт қоғозлик мақола нима деган гап, домла!..

Яна бир баҳона тайёр: — Сани журналингга ақлли гаплар кераклир-да, болам. Мени биласан, китобни кам ўқийман...

— Чаласаволинингиз-ку маълум, — дедим ҳазиллашиб, — лекин Дўрмонда бекор ўтиравериб зерикиб кетмайсанми?

— Ҳей бола, ман ёзувчиман, ўқувчимасман!

Қарасам — гап топиб бериш қийин, мақола унмайдиған. «Эски усул»ни қўлашга мажбур бўлдим. Айтишларича, ёстиқдек ёстиқдек китобларни раҳматли Саида опа устозни мақтай-мақтай ёздирган экан...

Бошладим: ундоксиз, устоз, бундоқсиз, устоз, хуллас, сизнинг мақолангизсиз журнал чиқмайди — топшириқ шундай!

— Ҳаҳ, қўнмадинг-қўнмадинг-да, бола! — деди домла ниҳоят таслим бўлгандек. — Майли, бир-икки кундан кейин хабарлашарсан. Каллага дурустроқ бирор гап келгилса...

«Каллага дурустроқ бирор гап келиши»дан умидан узай деганимда, иттифоқо, домланинг ўзи қўнғироқ қилиб қолди:

— Мақолангиз гатоп, ўртоқ муҳаррир! Келиб опексангиз бўлади. Ёки Набишқадан (Набижон Боқийни эркалаб шундай атайдилар) берворайми?..

Лекин-чи, айтиб қўйай, умринда бунчадай сўкиш эшитмаган бўлсанг керак. Одатим шунақа ўзи: мажбуриятдан бири нима ёздирган одамни сўкиб ҳумордан чиқаман.

Мақола чинакамга мағзи тўқ, Саид Аҳмаддек алибининг қаламига муносиб эли.

Қўнғироқ қилдим: — Офарин, устоз, бунақаси бўлмаган! Одамлар ҳам юрибли-да олимман, профессорман, деб!.. Менга қолса, шу бир мақолангиз учун сизга профессорликни берворардим...

Яқинда хушхабар эшитдик: Фарғона университети Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг фаҳрий профессорлик унвонига муносиб қўрибди!

Домлани қўтлай туриб, хув ўша «башорат»имни эслатган эдим, у киши нима деди денг:

— Раҳмат-у, лекин назарипастроқ бола экансан. Раз шунақа ишлар қўлинг-да экан, биратўда каттароғини атавормайсанми!..

Бунақа ҳазилларни биз — эрка шогирдлари қиламиз, бунақа жавобларни устоз Саид Аҳмад айтиди!

Адабиётимизда, адабий ҳаётимизда Саид Аҳмаддек меҳридон устознинг борлиги бизга катта давлат!

Бор бўлинг, устоз!

Эркин АЪЗАМ.

• Экспресс-интервью

ТЕАТРИМИЗНИНГ ЧАРЧАМАС ОТАХОНИ

Тўти ЮСУПОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Саид Аҳмад ўз асарлари билан менинг ижодий фаолиятимда кескин бурилиш ясади, десам муболага бўлмас. Чунки, «Келинлар кўзғолони» спектакли яратилганига қадар мен актёр сифатида ўз қиёфама эга эмасдим. Катта-кичик ва эпизодик ролларда чиқардим-у... Кейин эса «Келинлар кўзғолони»да Соттинин уйнадику бирдан машҳур бўлиб кетдим. Шу кунларда эса Галабининг 50 йиллигига бағишлаб саҳналаштирилган «Уфқ»да Жаннат роляни жон-дилим билан, берилиб

ижро этмоқдам. Назаримда, ушбу икки роль ҳам менга шунақанги мос тушганки, улар гўё мен учун ёзилганга ўхшайди. Энди улрасиз яшай олмаيمان, шекилли. Хуллас, Саид Аҳмаднинг сеvimли адибим деб биламан.

Ёзувчи театр учун туғилган ижодкордир. У театр ҳаётини, актёрларнинг ижодий куч-қувватини, дилини, кайфиятини яхши тушунади. Ҳамиша улар билан ҳамкор, ҳамнафасликда театр учун ҳам, халқ учун ҳам милдотлик, айни пайтда замонавийлик уфури турган асарлар яратмоқда. У театримизнинг заҳматкаш бир аъзосидир.

Тавҳар ЗОКИРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Саид Аҳмад ака ноёб истеъдод эгаси. Спектаклининг яхши чиқиши, томошабинлар эътиборига тушиши учун, аввало, яхши драматик асар мавжуд бўлмоғи зарур. Ёзувчининг асарлари ана шундай сара асарлардандир. У кишининг комедия жанридаги асарларини ўқиган ёки томоша қилганлар қўл-бада, лабда табассум қалқиди. Ёзувчининг ҳаммамиз бирдай яхши кўрамыз.

Театр соҳасидаги хизматлари беқиёс. Айтсам, ало бўлмайди.

майди. Унинг асарлари халқимиз қалбига муҳрланиб, ўз қадри-қимматини йўқотмасдан авлоддан-авлодга ўтиб боришига ишончим комил. Биргина «Келинлар кўзғолони» фикримнинг ёрқин исботидир.

Жамшид ЗОКИРОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Шундай инсонлар борки, улар муъжизалар яратишга интилиб яшайдилар. Саид Аҳмад ака ана шундайлар тоифасига мансуб. Халқимизга аjoyиб асарлар тақдим этди. Бу иқтидорли ёзувчининг театримизнинг чарчамас отахони деб биламан.

Унинг театрга синган хизматини ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди. Узининг асарлари, фойдали маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, кези келганда ичакўзди латифалари билан у биз учун ҳаммиса зарур ва ардоқли. Адибининг «Келинлар кўзғолони», «Фармонбоби аразлади», «Кўёв», «Муҳаббат можароси», «Тўйлар муборак», «Уфқ» асарлари асосида яратилган кинофильм ва спектаклларни томошабинлар катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Зеро, яхши асарнинг умри боқийдир. Тилагим — Саид Аҳмад аканинг умри ҳам боқий бўлсин!